O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2010 йил 6 январь, № 3 (4918) Чоршанба

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2010 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини ҳамон йўллашмоқда. Уларда Юртбошимизга ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик, соғлиқ ва саломатлик, олиб борилаётган ишларда ютуқ ҳамда омадлар изҳор этишдек эзгу ниятлар билдирилган.

Жумладан, қуйидагилардан Янги йил қутловлари олинди:

**Украина Президенти Виктор Ющенко;**

**Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;**

**Венгрия Республикаси Президенти Ласло Шойом;**

**Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Нгуен Минь Чиет;**

**Ирландия Президенти Мэри Макэллис;**

**Черногория Президенти Филип Вуянович;**

**Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси Желько Комшич;**

**Сурия Араб Республикаси Президенти Башшор ал-Асад ва бошқалар ўз табрикларини йўллаганлар.**

*Самимий табриклар келиши давом этмоқда.*

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ



***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ривожланиш кузатилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, 2009 йилда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ўсгани бунинг исботидир.***

**Модернизация**

Шубҳасиз, юртимизда инқирознинг таъсирини юмшатиш ва уни бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга қаратилган дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Буни Урганч шаҳридаги "Урганч ўт ўриш машиналари заводи" акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Гап шундаки, ўтган йили ушбу жамоа томонидан 2 миллиард 784 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, олдинги йиллардагига нисбатан анча юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Дўстлар даврасида

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида "Дўстлар даврасида" мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимиздаги чет эл дипломатик корпус вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳаллалар фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

### «Ибратли Оқтош»нинг ибрати

***НАМАНГАН. Тўрақўрғон туманидаги "Ибратли Оқтош" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига кўп бўлмади.***

Шунга қарамай, бу ерда ишлаб чиқарилаётган черепица маҳсулотлари харидорини топиб улгурди.

Тадбиркорлар А. Маткаримов ва С. Абдуллаев ташаббуси билан барпо этилган мазкур корхонада ойига 1500 квадрат метрдан зиёд шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга етказиб берилмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Газ қувурлари таъмирланди

***АНДИЖОН. Вилоятда аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Жумладан, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси жамоаси 140,9 миллион сўмлик иш бажариб, Андижон, Қумгузар ва Какир маҳаллаларидан ўтган ўрта ва паст босимли газ қувурларини тўла таъмирдан чиқарди. Натижада 2210 та хонадонда газ таъминоти яхшиланди. Айни пайтда Байналминал маҳалласидан ўтган тармоқни янгилашга 100 миллион сўм маблағ сарфланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Варахша» спорт мажмуаси ишга тушди

***БУХОРО. Пешку туманидаги Қалъаимиришкор қишлоғида "Варахша" болалар спорт мажмуаси ишга туширилди.***

Мажмуа учун танланган собиқ ширкат хўжалиги биноси 110 миллион сўм маблағ сарфланиб, тўлиқ реконструкция қилинди. Шундан сўнг бу ерга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 50 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. Ҳозир бу ерда кунига 200 нафар ўғил-қиз ўнга яқин спорт тури билан шуғулланмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар дунё оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуларидан бирига айланди.***

## ДУНЁ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА

Хусусан, Россиянинг "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги сайловларнинг эркин тарзда, барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда ва сайлов қонунчилигига асосан бўлиб ўтгани ҳақида ёзади. Агентлик МДҲ ва Россия миссиясидан кузатувчи сифатида иштирок этган Владимир Портяковнинг "Сайловларни ташкил этиш яхши йўлга қўйилган, бундан кўриниб турибдики, улкан тайёргарлик ишлари олиб борилган. Мен эрта саҳардан сайлов участкасига бордим. Барча участкаларда қонунда белгиланган талаблар бажарилган, хусусан, сайловчилар рўйхатлари жойлаштирилган, барча зарур ҳужжатлар тайёрланган, овоз бериш жараёнининг ўзи ҳам тегишли талабларга мувофиқ ташкил этилган", деган сўзларини айнан келтиради.

МДҲ ва Украина миссияси кузатувчиси Анатолий Кинахнинг фикрига кўра, овоз бериш жуда яхши ташкил этилган, сайловларнинг ўзи эса "янада самарали сифатга эга бўлган, инсонлар турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ҳукуматни барпо этишга имкон яратади". "Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, менинг назаримда, ижобий, ахир демократик давлатда ҳокимият халққа тегишли бўлади, Ўзбекистон ҳам шу мақсад сари бормоқда", дея хулоса қилади А. Кинах.

Овоз бериш куни МДҲ миссиясининг 84 нафардан иборат вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кузатув олиб боришиб, 98 та сайлов округидаги 787 та сайлов участкасида бўлишди.

Россия массмедиасининг яна бир улкан вакили — "Вести" овоз беришнинг бориши ҳақида тўхталар экан, халқаро кузатувчи сифатида Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги сайлов участкаларида бўлган МДҲ миссияси кузатувчилари Ижроия қўмитаси раҳбари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевнинг мулоҳазаларини келтиради. "Вести"нинг таъкидлашича, кузатувчилик фаолияти якунлари ҳақида С. Лебедев Ўзбекистондаги парламент сайловлари "Пухта ва ҳар томонлама тайёргарликлар асосида бўлиб ўтди", дея қайд этади. Кузатувчи "Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқини амалий жиҳатдан таъминлаш мақсадида сайлов тизими тўлалигича халқаро андозаларга жавоб берадиган тарзда ташкил этилди", дейди. МДҲ Ижроия қўмитаси раисининг қайд этишича, депутатликка номзодлар дастурларида "Мамлакат келажаги учун хизмат қиладиган кўплаб жиҳатлар ва йўналишлар ўз аксини топган. Муносиб номзодларни сайлаш Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигининг ошиши учун ёрдам беради".

**Биз ва жаҳон**

ИнфоШОС ахборот-таҳлилий порталининг бош муҳаррири Т. Синицина "Ўзбекистон демократия самарасини кўрмоқда — сайлов ҳуқуқи" сарлавҳали мақоласида "Мамлакат бу йилги сайлов жараёнларига ғоят пухта ва масъулият билан, сайлов процедурасининг бор ҳажмини бутунлигича такомиллаштирган ва жараёнларни либерализация қилган ҳолда тайёргарлик кўрди. 2008 йилда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич вазифасини ўтайди", дея қайд этади. Муаллифнинг фикрига кўра, бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Дунёнинг кўпгина давлатлари эркин фуқаролик жамиятига асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарнинг ривожланиши асосида келишган. Биз ҳам ана шундай жамият барпо этишни орзу қиламиз ва шунга интиламиз", деган сўзларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларда иштирок этиш учун келган сайлов участкасидаги чиқишида маданий тарздаги баҳслашувни қўллаб-қувватлашини билдирди, дея қайд этади Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги. "Халқимиз бугунги сайлов олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилишини яхши билади. Сайловчи нафақат ўзи танлаган номзодга, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз бермоқда, партиянинг ғояларига ишонч билдирмоқда. Шундай экан, ҳар қайси партия ўз зиммасига қандай масъулият олаётганини яхши англамоғи лозим".

Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараёнларга Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги, Хитой Интернет-ахборот маркази, Хитой халқаро радиоси, "Chinaview" газетаси каби оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Хусусан, "Синьхуа" ахборот агентлиги "2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг қуйи палатаси беш йил муддатга сайланган 150 депутатдан иборат. 135 нафар депутат фуқароларнинг тўғридан-тўғри сайловлари асосида сайланади, қолган 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан унинг олий органи — Конференция орқали сайланади" мазмунидаги хабарни тарқатди.

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

***Президентимизнинг Янги йил муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини тинглар эканман, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, келажагимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади.***

Хусусан, бугун тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, эл саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлидаги мақсадли дастурлар тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришда муҳим асос бўлмоқда. Юртбошимиз табригида айтилганидек, жорий йилда давлат бюджети харажатларидан соҳа ривожига 1 триллион 700 миллиард сўм ажратилди ва бу ўтган 2009 йилдагига нисбатан 30 фоиз кўп маблағ демакдир. Бундай юксак ғамхўрлик, айниқса, биз — шифокорларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

**Дил сўзи**

Бугунги кунда вилоят юқумли касалликлар шифохонасида салкам 300 киши меҳнат қиламиз. Ушбу маскан энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда самарали натижаларга эришмоқдамиз. Қувонарлиси шундаки, жорий йилда шифохонамиз учун янги ва муҳташам бино қурилиб, фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Бу билан аҳолига янада сифатли тиббий хизмат кўрсатишга, инсон саломатлигини асрашга муваффақ бўлишимиз мумкин. Шундай бекаму кўст шароитлар муҳайё қилинаётган бир пайтда биз, шифокорлар зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этиб, доимий изланиш лозимлигини, фаолият асносида янгича даво усулларини қўллашга астойдил интилиш кераклигини яхши англаб турибмиз. Зеро, инсон манфаатлари устувор юртимиздаги эртанги ёруғ келажакни таъминлашга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд эмас. Бизнинг юртда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган хайрли ишлар эса ҳар биримизни шукрона айтиб яшашга, юрт равнақи, эл хизматига камарбаста бўлишга ундайди.

**Мунаввар СОДИҚОВ,**
**Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори.**

## ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

***Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун" деган эзгу ғоя замирида ҳам ана шу жиҳатлар мужассам.***

Жумладан, ташкилот, корхона ва тадбиркорлик субъектларида доимий равишда янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини ишга жалб этиш, тегишли мутахассисликка эга бўлмаганларни касбга тайёрлаш ёки танлаган соҳалари бўйича ўқув марказларида бепул ўқитиш, ишга жойлашгунларига қадар қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган йигитлар учун алоҳида имтиёзлар назарда тутилган. Муҳими, ҳаёт мактаби сабоғини олган, дунёқараши кенг, жисмоний ва маънавий етук шунқорларга иш берувчиларнинг ҳам ишончи юқори. Ёшлар бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланиб, оилалари даромадини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган маълумотга кўра, 2009 йилда резервга бўшатилган фуқаролардан ҳозиргача 97 фоизининг бандлиги таъминланган. Шулардан 16,5 фоизи давлат муассаса ва ташкилотларига, 21,7 фоизи ишлаб чиқариш корхоналари, 16,9 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, қўшма корхоналарга ишга жойлашган. Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб қайтган йигитларнинг 18,7 фоизи якка тартибдаги тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган бўлса, яна бир қисми ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ишга кириш учун ҳужжат топширган.

Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда ҳам имтиёзга эгалар. Армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган ана шундай ўғлонлардан 17 фоизи ҳозирда ўзлари танлаган соҳалар бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

### ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда***

**694,9 километр узунликдаги коллектор ва дренаж тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди.**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ушбу йўналишга доир лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.



# ДУНЁ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Хитой ахборот агентлиги Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг мамлакатнинг амалдаги тўртта сиёсий партияси — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Адолат” социал-демократик партиясига парламентнинг қуйи палатасига сайловларда иштирок этишга рухсат бергани ҳақидаги баёнотига эътибор қаратади. Сайловчилар рўйхатига Ўзбекистоннинг 17 миллион 215 минг 700 нафар фуқароси киритилган. Сайловларда 36 давлат ва тўртта халқаро ташкилот — ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ ва ИКТ миссияларидан жами 300 га яқин кузатувчи иштирок этди”.

Хитой марказий телевидениеси (CCTV) ўз томошабинлари эътиборига 135 та сайлов округи ҳамда қарийб 8,5 мингта сайлов участкасида 15 миллион 108 минг нафардан ортиқ сайловчи овоз беришда иштирок этгани, Ўзбекистоннинг хорижий давлатларда ўқиётган ва фаолият юритаётган фуқаролари ҳам муносиб номзодлар учун ўз овозларини беришгани — дунё бўйлаб 44 та сайлов пункти ташкил этилгани ҳақидаги маълумотларни ҳавола этди. Шунингдек, CCTVнинг қайд этишича, “Янги сайлов қонунчилигига кўра, парламентнинг қуйи палатаси депутатлари сони 120 нафардан 150 нафарга оширилди. Улардан 135 нафар депутат кўп партиявийлик асосида ҳудудий округлардан сайланади. Қолган 15 ўринда — парламентда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари ўтиради. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини тўплаган номзод ғолиб бўлади”.

Мамлакатнинг хитой тилида нашр этиладиган “Жэньминь Жибао” газетасида Ўзбекистоннинг қуйи палатаси 5 йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборатлиги ҳақида сўз юритилади. 135 нафар депутат фуқароларнинг тўғридан-тўғри сайловлари асосида сайланади, қолган 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан унинг олий органи — Конференция орқали сайланади.

Хитойнинг “Lookwe” журнали МДҲ Ижроия қўмитаси раиси С. Лебедевнинг Ўзбекистон демократик сайловлар ўтказиш учун жуда кўп тадбирларни амалга оширгани ҳақидаги сўзларини келтиради. “МДҲ Ижроия қўмитаси миссияси Ўзбекистонда илгари бўлиб ўтган сайловларда ҳам иштирок этган. Миллий сайлов қонунчилиги сезиларли даражада яхшиланган. У фуқароларнинг эркин хоҳиш билдиришини кафолатлайди ва ўзида демократия талабларини мужассам этади. Сайловларда иштирок этиш учун шунчалик кўп миқдордаги хорижий ва халқаро кузатувчиларнинг келиши Ўзбекистонга бутун дунёда катта қизиқиш борлигини кўрсатади”, деди жумладан у.

Озарбойжоннинг “Trend News” ахборот агентлиги Ўзбекистонда ўтказилган бу галги парламент сайловлари ҳақида сўз юритиб, халқаро кузатувчи сифатида мамлакатимизда бўлган Озарбойжон парламенти — Миллий Мажлиснинг ижтимоий сиёсат қўмитаси раиси Ҳоди Ражаблининг сўзларини келтиради. “Мен кузатувчи сифатида борган барча сайлов участкаларида сайлов жараёни юқори савияда ташкил этилгани яққол кўзга ташланади. Бунга фақат пухта тайёргарлик натижасида эришиш мумкин. Фуқаролар барча саволларга участка комиссиялари аъзоларидан батафсил жавоб олишди. Сайловчилар фаол ва эркин овоз бердилар. Мен Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги ва сайловларга оид бошқа ҳужжатлар, шунингдек, уларга киритилган ўзгартишлар билан танишдим. Улар нафақат халқаро меъёрларга мос келади, балки сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган демократик тамойилларни ҳам ўзида акс эттиради. Сайлов жараёни барча оммавий ахборот воситаларида, жумладан, Интернетда ҳам кенг ёритилмоқда. Овоз бериш жараёни юзлаб халқаро кузатувчилар ва хорижлик журналистлар томонидан кузатиб борилгани, парламент сайловларининг очиқ ва ошкоралигини таъминлайди”, деди Озарбойжон парламенти аъзоси.

Ҳ. Ражаблининг сўзларига кўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилиши ва унга Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўрнининг ажратилиши мамлакатда атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Мақола сўнгида парламент аъзоси хулоса қиладики, “Ўзбекистон барча соҳаларда ўзи учун энг тўғри — тадрижий йўлни танлади, шу боис мамлакат тараққиётида изчиллик ва барқарорлик кузатилмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан амалга оширилаётган узоқни кўзлаган оқилона сиёсат замирида донолик, сабр-тоқат, ўзаро ҳурмат каби инсоний сифатлар ётади”.

2009 йил 28 декабрда мазкур мавзуга бағишланган бошқа бир мақолада МДҲ Ижроия қўмитаси раиси С. Лебедевнинг сўзларига таянган ҳолда “Trend News” шундай дейди: “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси 2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон Конституцияси, мамлакатда амал қилаётган сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг умумэътироф этилган меъёрларига мувофиқ равишда ўтказилган, деб ҳисоблайди”.

“Миссия сайловлар очиқ ва ошкора тарзда ўтказилганини эътироф этган ҳолда, сайловлар фуқаролик жамиятининг сиёсий етуклик даражаси юқори эканидан, сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва очиқ ифода эта олганидан далолат беришини таъкидлайди. Миссия мамлакатда сайловларнинг эркин ва демократик тарзда ўтказилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ижобий баҳолайди. Хусусан, мамлакатда миллий сайлов қонунчилиги такомиллаштирилган”, деди С. Лебедев.

2009 йил 28 декабр куни Қозоғистоннинг “КАЗИНФОРМ” ахборот агентлиги ШҲТ миссияси раҳбари Шерали Жононовнинг фикр-мулоҳазаларини ҳавола қилди. Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар давомида ШҲТ кузатувчилари томонидан ҳеч қандай қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмаган.

Ш. Жононовнинг сўзларига кўра, ШҲТ Кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар очиқ, ошкора тарзда, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига ва халқаро талабларга мувофиқ равишда ўтказилган, деб ҳисоблайди. Миссия раҳбарининг эътироф этишича, ШҲТ кузатувчилари сайловда қатнашаётган тўртта сиёсий партия ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлишди, шунингдек, улар ўз хоҳишларига кўра Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятидаги сайлов участкаларида бўлишди. “КАЗИНФОРМ” Ш. Жононовнинг “Сайловлар жараёнида ҳеч қандай шубҳали қонунбузарликлар кўзга ташланмади”, деган сўзларини айнан келтиради.

Бирлашган Араб Амирликларининг “WAM” ахборот агентлиги 2009 йил 27 декабрь куни сайловларнинг бориши тўғрисида қуйидаги мазмундаги ахборотни чоп этди: “Бугун Ўзбекистон парламенти қуйи палатасига сайлов куни. Ўзбекистонлик сайловчилар 8447 та сайлов участкасида овоз бердилар. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов журналистларга берган интервьюсида баён қилганидек, мамлакатнинг 15 миллиондан ортиқ фуқароси овоз бериш жараёнида қатнашган. Унинг айтишича, сайловлар осойишта вазиятда, ҳеч қандай қонунбузарлик ҳолатисиз ўтказилган”.

2009 йил 28 декабрда “Асия ал-Вуста” ахборот агентлигининг араб тилидаги интернет саҳифасида “Ўзбекистонда парламент сайловлари кузатувчиларнинг фаол иштирокида ўтказилди” сарлавҳали мақола жойлаштирилган. Унда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистондаги бу галги сайлов жараёни ошкора тарзда кечгани ҳақидаги сўзларига алоҳида урғу берилган. Хусусан, агентлик Президент Ислом Каримовнинг “Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланганини ва сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишининг далолатидир”, деган сўзларини келтирган.

Мақолада, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг сўзларига таянган ҳолда, сайлов давомида сайловчиларнинг 87,8 фоизи иштирок этгани айтилади.

Мақола муаллифлари сайловлар қонуний тарзда ўтказилганини қайд этиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар мониторинги 36 давлат ва ЕХҲТ, МДҲ Ижроия қўмитаси, ШҲТ ва Ислом Конференцияси Ташкилоти каби тўртта йирик халқаро ташкилотнинг 300 га яқин кузатувчилари томонидан амалга оширилганига эътибор қаратишган.

“Якшанба куни Ўзбекистонда парламент сайловлари ўтказилди. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, сайловда иштирок этган фуқаролар сайловчиларнинг салкам 88 фоизини ташкил этди. Сайлов куни Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “илгари партиялар сиёсий таъсир ва ҳокимият учун кураш олиб бормаган”, бироқ бу йил парламент қуйи палатасидаги депутатлик ўринлари учун бошланган пойга сайлов жараёнида ҳақиқий рақобат тусини олди”, деб ёзади Американинг “The New York Times” газетаси.

“France Press” ахборот агентлиги “Президент Ислом Каримов бу галги сайловлар Ўзбекистон “демократик жамиятни қарор топтириш сари одимлаётганини намойиш этмоқда”, дея таъкидлади, — деб ёзади. — Шу нуқтаи назардан, ўтган давр мобайнида, айниқса, 2000 йилдан сўнг қилинган барча ишлар мазкур жараёнга янги туртки берди”.

Япониянинг етакчи ахборот агентлиги “Киодо Ньюс” Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари тўғрисида япон тилида мақола чоп этди: «Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия иштирокида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига (150 ўрин) сайловлар ўтказилди. Сайловда қатнашганлар сайловчиларнинг салкам 88 фоизини ташкил этди. 2008 йилда қабул қилинган, парламент таркибига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, янги парламентда депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Мазкур сайловларни ўтказиш учун мамлакатда 135 та сайлов округи ташкил этилди.

Парламент сайловларидаги яна бир янгилик, бу 15 та депутатлик ўрнининг Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилиши бўлди.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси каби тўртта сиёсий партияга сайловларда иштирок этишга рухсат берилди. Бу галги сайловларда фақат сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодларгина иштирок этишди”.

**«Жаҳон» АА.**

# ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, фуқароларни ишга жалб қилиш ва жамиятда ўз ўрнини топиб олишида жойлардаги Бандликка кўмаклашиш марказларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Аскарликдан қайтган ёшларни иш билан таъминлаш борасида айнан пойтахт туманларида олиб борилган саъй-ҳаракатларни таҳлил қиладиган бўлсак, Собир Раҳимов (98,3 фоиз), Чилонзор (98,1 фоиз) ҳамда Юнусобод (98,0 фоиз) туманларининг шундай марказлари етакчи эканлиги кўзга ташланади. Бироқ бу бошқа туманларда аҳвол ўлда-жўлда, деган маънони англатмайди. Аксинча, ҳатто энг кичик кўрсаткичга эга Бектемир туманида ҳам йигитлик мактабини ўтаб қайтганларнинг муайян фаолият тури билан бандлигига эришиш 93,9 фоизга бажарилгани бу тадбирлар алоҳида эътиборда эканидан далолатдир.

Маълумки, бугун бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, кўплаб давлатлар ишсизлар сафини “кенгайтираётган”, ҳатто иқтисодий жиҳатдан анча қудратли ҳисобланган машҳур компаниялар ҳам шундан бошқа чора тополмаётган бир вақтда мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжлари даражасида бўш иш ўринлари яратилаётгани, фуқароларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар берилаётгани кўнглимизда шукроналик ҳиссини уйғотади.

— Бизга иш сўраб мурожаат қилган йигитларни ўз мутахассисликлари бўйича доимий ишга жойлаштириш мақсадида туманимизда фаолият кўрсатаётган давлат корхоналари, хусусий фирма ва ташкилотлар, кичик корхоналар билан ўзаро келишувимиз бор, — дейди Сергели тумани Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Холида Низамова. — Муайян иш билан таъминланмаганлар эса Бандликка кўмаклашиш маркази орқали қайта касбга тайёрлаш курсларида бепул таҳсил оладилар ва ҳунар эгаси бўлишгач, иш билан таъминланадилар.

— Армиядан қайтгач, туманимиздаги Бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб мурожаат қилдим, — дейди мирободлик Азиз Солиҳов. — Аниқ мутахассисликка эга бўлмаганим учун мени қайта касбга тайёрловчи ўқув курсига юборишди. У ерда мен техника сирларини ўргандим, авточилангарлик ҳунарини эгалладим. Ўқишдан қайтганимдан сўнг, “Султон Ғаффор” масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасига ишга олишди. Бундан хурсандман.

— Қуролли Кучларимиз сафларида алоқачи вазифасида хизмат қилганман, — дейди Сергели туманида истиқомат қилувчи Бахтиёр Жалолов. — Муддатли ҳарбий хизмат давомида соҳага оид билимларни ўргандим. Бу борада менга устоз офицерлар ва сержантлар яқин кўмакчи бўлишди. Сабоқларни яхши ўзлаштирганим, соҳа бўйича муайян тажриба орттирганим туфайли туман алоқа бўлимига ишга қабул қилиндим.

— Ҳозирда Тошкент давлат техника университети механика факультетининг биринчи курс талабасиман, — дейди резервга бўшатилганлардан яна бири Афзал Ҳайдаров. — Муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтганим учун тайёрлов факультетида бепул таҳсил олдим. У ерда малакали педагоглар сабоқ беришди ва бу орзуим амалга ошишида катта аҳамиятга эга бўлди. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиб қайтганларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик қалбимизни фахрга тўлдиради. Шунга муносиб жавоб қайтариш зиммамиздаги асосий масъулиятдир.

— “UzGazOil” компаниясининг автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига ишга жойлашганимга ярим йил бўлди, — дейди Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқаро Ботир Турсунов. — Жамоамиз аҳил, менга ҳурмат билан муносабатда бўлишади, тезда киришиб кетдим. Ўйлаб кўрсам, давлатимиз томонидан бизга жуда катта ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Масалан, армиядалигимиздаёқ кўплаб имтиёзлардан баҳраманд бўлдик. Муддатли ҳарбий хизматдан кейинги ҳаётимиз ҳам доимий эътиборда. Буларнинг барчаси, табиийки, истиқлол шарофатидир.

— Ҳарбий хизматдан қайтгач, қизиқишимдан келиб чиқиб Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бепул ҳунар ўрганиш курсларига юборилдим, — дейди яккасаройлик Шуҳрат Жуматурдиев. — Ўқув курсини аъло баҳоларга тамомлаб, “ЭҲМ оператори” ихтисослиги бўйича дипломга эга бўлдим. Энди ўзим орзу қилган жойга ишга кира олишим мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, аҳоли орасида армияга бўлган муносабатнинг янада яхшиланишида мана шу омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, фарзандининг улғайиб, ҳарбий хизматга йўл олганини кўрган ота-оналар бир қувонган бўлсалар, армиядан мустақил фикрли, жисмонан бақувват бўлиб қайтганидан, ҳаётда ўз ўрнини топаётганидан икки карра қувонмоқдалар. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг оқилона сиёсати, ислоҳотларнинг амалий меваларидир.

**Жамшид НИЁЗОВ.**

# ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш жараёнида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, турли жабҳаларда самарали меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар меҳнатини эъзозлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, миллий қадриятларимиз, боқий анъана ва урф-одатларимиз мазмун-моҳиятини ёш авлод онгу шуурига сингдириш бўйича қатор ижтимоий-маърифий ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу ишларни янада юксак босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга асосан оилалар, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёллойиҳалар, кўрик-танловлар, анжуманлар ташкил этмоқда.

«Дўстлар даврасида» деб номланган мазкур тадбирда ҳам ишбилармон хотин-қизлар томонидан яратилган миллий ҳунармандлик, халқ амалий санъати намуналари, турли маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

— Мен бу кўргазмада ўттиздан ортиқ адрас матолар билан иштирок этяпман, — дейди марғилонлик ҳунарманд Матлуба Исмоилова. — Юртимизда хотин-қизларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ана шундай эътибор натижасида икки юз нафардан ортиқ аёлни ҳунармандлик ва касаначиликка жалб этишга муваффақ бўлдик.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда 130 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилаётган мазкур корхонада 15 турдан ортиқ қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмлари, шунингдек, улар учун 500 турдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг аксарияти Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётгани диққатга сазовордир. Ем-хашакларни даланинг ўзида presслайдиган “ПТ-165” механизми, “Магнум” тракторлари учун айланма плуглар шулар сирасига киради.

Умуман олганда, жамоа ўтган йили фермер хўжаликларига 158 та “КИР-105” ўт ўриш машинаси, 145 та культиватор, 50 та “ПТ-165” механизми ва кўплаб эҳтиёт қисмлар етказиб бериб, уларнинг оғирини енгил қилди. Бу ерда тайёрланган маҳсулотларга қўшни давлатларда ҳам талаб ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили умумий қиймати 67 минг АҚШ долларилик маҳсулот Қозоғистонга экспорт қилингани бунга мисол бўла олади.

Корхона жамоаси 2010 йилда 3 миллиард сўмликдан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** Корхона ишчилари Баҳром Сапаев ва Жавлон Раҳимов; оператор Жаҳонгир Машарипов.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Банк инвестицияси — корхона юксалиши

***Асакадаги “ФАМ” қўшма корхонаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфига берилгач, ишлар юришиб кетди.***

Банк томонидан киритилган 451 миллион сўмлик инвестициянинг 261 миллионига замонавий технология сотиб олиниб, корхона тўлиқ жиҳозланди. Натижада ишлаб чиқарилаётган макарон маҳсулотлари сифати яхшиланди. Айни пайтда уларни қадоқлаш ҳам йўлга қўйилди. Эътиборлиси шундаки, ҳозирга қадар 313,6 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Нон ишлаб чиқариш кўпаяди

***“Жиззах дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятига қарашли “Заргарлик” нон корхонасига 150 миллион сўмлик хорижий “Viniks” технологияси келтириб ўрнатилгач, ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, сифат яхшиланди.***

**Интилиш**

Ҳозир бу ерда кунига 12 минг дона нон маҳсулоти тайёрланиб, шаҳардаги мактабгача таълим муассасалари, шифохона ҳамда савдо шохобчаларига етказиб берилаётир. Корхона жамоаси шу кунларда яна 4 хил нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Яқинда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз томонидан имзоланди ва кучга кирди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиши, табиий.***

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

## Унинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Қайд этиш жоиз, сўнгги йилларда қимматли қоғозлар бозори юқори суръатларда кенгайиб, унинг иштирокчилари кўпаймоқда. Бу эса иқтисодиётимизнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, мамлакатимизнинг кўпгина йирик ва етакчи корхоналари ўз акцияларини муомалага чиқармоқда ҳамда уларни фонд ва инвестиция бозорларида жойлаштириш орқали миллий ва хорижий инвесторларнинг узоқ муддатли сармояларини мақсадли сармоя сифатида жалб этмоқда.

Ушбу Қонун, айтиш жоизки, Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари ва унда белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Табиийки, банк тизимидаги ислоҳотлар қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришни кун тартибига қўйди. Бошқача айтганда, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилиши белгиланган ҳолда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунда корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига фақат акциядорлик жамиятлари эга эканлиги айтилган.

Албатта, соҳа қонунчилигидаги ушбу меъёрларни бир-бирига мослаштирмасдан туриб, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мумкин эмас. Шу боис ҳам “Қимматли қоғозлар

**Қонун кучга кирди**

бозори тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, мамлакатимизда облигациялар бозорининг самарали шаклланиши молия бозоримизни янада кенгайтириш ва унинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур бозорнинг ҳолати ва даражасини ифодаловчи рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 22 та хўжалик субъекти томонидан ўрта ва узоқ муддатларга чиқарилган умумий суммаси 32 млрд. сўм миқдоридаги корпоратив облигациялар муомалада мавжуд бўлса, шундан 60 фоизи ёки 19 млрд. сўм миқдоридаги корпоратив облигациялар тижорат банклари томонидан чиқарилган облигациялардир. Уларнинг асосий хусусияти эса узоқ муддатлилигидир.

Амалдаги Қонуннинг 3-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар — корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқи турли шаклдаги тижорат банкларига ҳам берилаётир. Бу, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозорида ўзаро рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Соғлом рақобат муҳити бор жойда интилиш, ҳаракат, энг муҳими, юқори натижалар бўлиши табиийдир.

Шунингдек, Қонуннинг “Қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шакли” деб номланган 4-моддаси “облигациялар юридик ва (ёки) жисмоний шахслар учун чиқарилади” деб тўлдирилди. Бундан ташқари, Қонуннинг 49-моддасига ҳам айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга киритилган ўзгартишлар тижорат банклари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корпоратив облигацияларни эмиссия қилишлари мумкинлигига шароит яратиб беради. Мазкур Қонун ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳам ажралмас бир қисми эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мухтасар қилиб айтганда, яқинда кучга кирган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини оширишга, реал иқтисодиёт тармоқларида жозибали инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Нодира КАРИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**



Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли бугун жойларда замонавий шифо масканлари бунёд этилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Айниқса, Президентимиз Фармонига мувофиқ, ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилгани ва уларнинг энг сўнгги ташхис ҳамда даволаш ускуналари билан жиҳозланганлиги хасталикларни барвақт аниқлаш ва ўз вақтида самарали даволаш имконини бераётир.

# ЖАҲОН ТИББИЁТИ ЮТУҚЛАРИ

## Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида кенг қўлланилмоқда

Бизнинг марказимиз бундан етти йил муқаддам ташкил этилган эди. Бугунги кунда кўз микрохирургияси бўйича энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва муолажаларни қўлламоқдамиз. Марказ барча қулайликларга эга бўлган тўрт қаватли бинода фаолият кўрсатаётир. Бу ерда маслаҳат-диагностика поликлиникаси, йилига олти минг жарроҳлик амалиёти ўтказиш имкони мавжуд бўлган махсус бўлим, 50 ўринга мўлжалланган стационар, ташхис хоналари, дорихона, лаборатория ва бошқа қулайликлар мавжуд. Шифо масканида йилига 25 мингдан зиёд киши қабул қилинмоқда. Даволаш назорати гуруҳи фаолият кўрсатаётганлиги боис, муолажадан сўнг ҳар бир бемор ушбу гуруҳ кўригидан ўтказилади. Шу тариқа даволаш сифати ва натижасига баҳо берилади.

Малакали мутахассисларимиз болалардаги ғилайлик ва кўз хиралашиши касалликларини махсус компьютер дастурлари ёрдамида даволаш, катаракта хасталиги, шоҳпарданинг хиралашиши, кўз олмасининг олд ва орқа қисмларидаги касалликларни лазер нури ёрдамида жарроҳлик усули билан бартараф этиш, шунингдек, қандли диабет хасталиги туфайли келиб чиққан кўз касалликларини даволашда жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланаётирлар. Улар АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Финляндия, Бельгия, мамлакатларининг нуфузли офтальмология клиникаларида малака ошириб, турли халқаро анжуманларда муваффақиятли иштирок этишган. Бундай тажрибали шифокорларимиз мамлакатимизнинг олис қишлоқ ва маҳаллаларига бориб, жойлардаги мутахассисларга тиббий тавсиялар бермоқдалар. Марказимиз томонидан вилоятларга юборилган ташкилий-услубий ва таҳлилий кўмак гуруҳлари иштирокида офтальмолог мутахассислар учун семинар-тренинглар, илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда. Шу ўринда яқинда Қора-

**Ислоҳот**

қалпоғистон Республикаси ҳамда Наманган вилоятига амалга оширилган хизмат сафарлари аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалий тасдиғи сифатида ижобий самара берганлигини қайд этиш жоиз.

Бугун марказимизда янгича қулайликлар, даволашнинг самарали усулларини фаолият асносида кенг қўллашга эришилаётгани, бир жиҳатдан, хориждаги етакчи тиббиёт марказлари билан изчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги билан ҳам боғлиқдир. Масалан, АҚШнинг Канзас штати, Вичита шаҳридаги халқаро кўз банки билан ҳамкорликда донор шоҳпарда олиб келиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, бу кератопластика амалиёти орқали кўзнинг шоҳпардасини алмаштириш имконини бермоқда. Москва шаҳридаги Кўз микрохирургияси тармоқлараро илмий-техник мажмуаси билан ҳамкорлигимиз натижасида эса ҳар икки шифо масканининг мутахассислари ўзаро тажриба алмашиб, соҳада мураккаб технологияларни қўллаш бўйича юқори малакага эга бўлмоқдалар.

Марказда имтиёзли тоифага кирувчи беморлар учун барча тиббий хизматлар бепул амалга оширилмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш, энг мураккаб амалиёт — кўз гавҳарини сунъий гавҳарга алмаштириш каби чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Қолаверса, марказга мурожаат қилган ҳар бир кишига, шунингдек, марказ ташаббуси билан маҳалла ва ўқув масканларида ўтказилаётган тадбирларда соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилиш, йилига камида икки маротаба офтальмолог шифокор кўригидан ўтиш лозимлиги кенг тушунтирилади. Айниқса, ёш болаларда учрайдиган кўз касалликлари аввалига у қадар сезилмай туриб, кейинчалик катта муаммолар туғдириши тажрибадан маълум. Шу боис бундай асоратли ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир оилада саломатлик масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

**Зафар СИДДИҚОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази директори.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

*Собиқ тузум даврида республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги ёдгорликлар сингари Бухоро обидалари ҳам қаровсиз қолганди. Мустақиллик шарофати билан бу ҳолга чек қўйилди. Турли тазйиқлар туфайли ўз ижодий имкониятларини юзага чиқара олмай юрган уста-меъморларимиз зиммасига аждодларимиз бино этган улуғвор обидаларга қайта жон ато этишдек шарафли вазифа юкланди.*

# ЮРАКДАН ҚЎР ОЛГАН КОШИНЛАР



Шу тариқа мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарлари, жумладан, Бухоройи шариф уста ва меъморлар учун истеъдод ҳамда иқтидорни намоён этишнинг чинакам майдонига айланди. Уста Ширин Муродов анъанасини муносиб давом эттириш орзуси айни шу йилларда ушалди. Аминжон Саломов, Очил Бобомуродов сингари халқ меъморлари, уларнинг Исмат Муҳсинов, Рабби Қурбонов, Музаффар Мирзаев, Ибоджон Маҳмудов, Жамол Жўраев, Сайфулла Норов, Ғайбулла Муҳаммедов каби издошлари шу орзу қанотида меҳнат қилиб, Бухоронинг муқаддас обидалари умрига умр қўшдилар.

Бир гал моҳир уста — меъмор Очил Бобомуродовнинг ўзига хос иш услуби диққатимни тортди. Уста ҳар бир кошинни қўлига олар экан, аввал уни кўксига оҳиста босар, кейин ўрнига қўярди.

— Нега бундай қиласиз? — дея сўрадим у кишидан.

— Ука, юракдан қўр олган кошиннинг умри узоқ бўлади. Мана шу кошиннинг юз йиллар туришига кафолат бераман! — деди уста ишонч ва ғурур билан.

Асрлар давомида савлат тўкиб турган меъморий обидаларимиз юрак қўри билан бунёд этилган. Бухорога ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг улар қаршисида лолу ҳайрон қолишларининг сири шунда!

Бугун Бухоронинг "Чор Бакр" қадамжосига келган инсонга "Бу ерлар бир неча йил аввал вайрона ҳолда эди. Ёнатроф янтоқзору қамишзорга айланганди", десангиз, ишонмайди. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва бунёдкор халқимиз ғайрати билан бу каби ўнлаб қадамжолар обод этилди. Хусусан, Бухоройи шарифнинг етти улуғвор устуни хожагон-нақшбандия тариқатининг етти намояндаси мангу уйқуга кетган гўшаларнинг бугунги кунга келиб зиёратчилар оёғи узилмайдиган маънавият масканларига айлангани айни ҳақиқат.

Бухоронинг қадимий дарвозаларини тиклаш йўлидаги хайрли ишлар эса меъморларимизга ўз иқтидорларини яна бир карра намойиш этиш имкониятини берди.

**Фахр**

Қисқа муддат ичида икки муаззам иншоот — Дарвозаи Самарқанд ва Шайх Жалол дарвозаси қад ростлади. Ҳазрати Имом номи билан юритиладиган яна бир мажмуада олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари Бухоро меъморчилик санъатининг янги саҳифасини очишига шубҳа йўқ.

Бухоро аэропортида бошланиб, шаҳар марказига уланадиган йўл ёқасида қад ростлаётган қўшқаватли савдо ва маиший хизмат мажмуалари бу қадимий масканда дунё андозаларига уйғун замонавий архитектура иншоотлари ҳам барпо этилаётганидан нишона.

Элнинг дуосини олган кам бўлмайди. Айниқса, ўз мустақил йўлидан оғишмай олға қадам босаётган, нурли келажагини яратишдек эзгу умид билан меҳнат қилаётган халқ вакилига икки дунё саодати ёрдир. Бухоро обидалари умрига умр қўшаётган, уни асл қиёфасида қайта бунёд этиш мақсади билан кунни тунга улаётган уста меъморларимиз хизматининг муҳтарам Юртбошимиз томонидан муносиб баҳолангани — Олим Абдиев, Ориф Рашидов, Абдусафихон Раҳмонов каби фидойи юртдошларимизга Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилгани ана шу улуғвор ҳақиқатнинг ҳаётий исботидир.

**Тошпўлат АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими масъул котиби, шоир.**


"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.


# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ижобий кўрсаткич

***Францияда ўтган йилнинг учинчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажмида ижобий ўзгариш қайд этилган.***



Бу ҳақда мамлакат статистика бюроси маълум қилди. Яъни ушбу даврда аввалги ойларга нисбатан 0,3 фоиз ўсишга эришилган. Экспертларнинг фикрича, бу давлат иқтисодиётининг яхшилана бошлаганидан нишонадир.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йилнинг учинчи чорагида Франция ЯИМ ҳажми 2,3 фоизга пасайганди.

## Бир йилда 205 миллион телевизор

***2009 йилда сайёрамиз аҳолиси 205 миллион дона телевизор харид қилган. Бунинг учун нақд 101 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган.***



Аммо бу 2008 йилдагига нисбатан 10 фоизга паст кўрсаткичдир.

Айтиш жоизки, ўтган йилда суюқ кристалл экранли телевизорларга бўлган талаб бир оз ошган ва умумий сотилган маҳсулотнинг 69 фоизини ана шу турдагилари ташкил этган. Шу боис ишлаб чиқарувчилар жорий йилда бундай телевизорларни кўпроқ ишлаб чиқаришни режалаштиришмоқда. Тахмин қилинишича, бу йил суюқ кристалл экранли ойнаи жаҳон савдоси 78 фоизгача ошади.

## Қорбобоми, Қумбобо?

***Ҳиндистонлик рассом Сударшан Патнаик мамлакатнинг Пури шаҳридаги пляжлардан бирида қумдан юзта Қорбобо ясади.***



"BBC News" телеканалида изоҳланишича, мусаввир бу орқали омма эътиборини сайёрамизнинг глобал исишига қаратмоқчи бўлган.

Патнаик ҳайкалларни ясаш учун 36 соат вақт сарфлаб, бир тоннага яқин қум ишлатган.

## Табиат инжиқликлари

***Айни кунларда қатор давлатларда ноқулай об-ҳаво шароити кузатилмоқда.***



Жумладан, Хитойнинг Пекин шаҳрида тинимсиз ёққан қор туфайли аксарият магистраль йўлларда автомобиль ҳаракати тўхтаб қолган. Шаҳар аэропортининг фаолиятида ҳам узилиш юзага келган. Яъни турли йўналишлардаги тўқсондан ортиқ рейс бекор қилинган. Кўчаларни қор уюмларидан тозалашга қарийб 300 минг нафар махсус хизмат ходими жалб этилган. Пойтахт ва Тяньцзиндаги таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган. Бундай об-ҳаво ҳафта ўрталаригача сақланиб туриши айтилмоқда.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*


САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ

«СИНО»

очиқ акциядорлик жамияти

Ўзбекистон халқини

Янги — 2010 йил

билан муборакбод этади.



Янги йилда
барча-барчага баркамоллик,
сиҳат-саломатлик,
омад ва зафарлар тилайди.

Акциядорлик жамияти дунёга машҳур «LG» бренди остида совутқичлар ишлаб чиқара бошлаганини ҳам маълум қилади.

Янги лойиҳанинг изчил амалга оширилиши ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, рақобатбардошликни ошириш, МДҲ мамлакатларига экспортга чиқиш имкониятини яратади.

Телефонлар:
(+998 66) 221-70-23,
221-71-13,
221-70-27.

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларига 2010 йил учун аспирантлар ўртасидаги танлов ғолиблари**

**Санақулова Барногул Ризақуловна**



1981 йил Самарқанд вилоятида таваллуд топган. Тошкент молия институтининг «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича аспиранти.

2000-2001 ўқув йилида бакалавриат талабалари ўртасида Улуғбек, 2001-2002 ўқув йилида Навоий номидаги Давлат стипендиати, 2003-2004 ўқув йилида магистратура талабалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиати. «Кичик корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва солиқ юкини камайтириш масалалари» мавзуида номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бугунги кунга қадар республика ва халқаро журнал, газета ва анжуманлар тўпламларида 30 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари ҳамда «Солиқ юки» номли рисоласи чоп этилган.

**Музафарова Динара Шавкатовна**



1982 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат аграр университетининг «Умумий деҳқончилик» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2005 йили Тошкент давлат аграр университетини муваффақиятли якунлаган.

«Тошкент шаҳри газонларидаги бегона ўтларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари» мавзуида номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2007 йил апрель ойида «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти» Халқаро академиясининг «Интеллектуал мулк асослари» дистанцион курсини тамомлаган. Илмий изланишлари натижалари бўйича республика ва хориж илмий нашрларида 9 та илмий мақоласи чоп этилган.

**Маҳмудов Турсун Исматуллаевич**



1984 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Машинашунослик ва машина қисмлари» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2007 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини муваффақиятли якунлаган. 2006 йил Ҳиндистонда, 2007 йил Туркияда, 2008 йил Германияда малака ошириб келган. «Ясси материални кўнчилик машиналари ишлов зонасига узатиш, транспортировкалаш ва текислаш механизмларини такомиллаштириш ва асослаш» мавзуидаги номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Илмий изланишлари даврида республика ва хориж илмий нашрларида 2 та илмий мақола, 6 та тезиси чоп этилган.

**Алиев Сарвар Убайдуллаевич**



1984 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент фармацевтика институтининг «Дорилар технологияси ва фармация ишини ташкил этиш» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2007 йилда Тошкент фармацевтика институтини муваффақиятли якунлаган.

«Йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш» мавзуидаги номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Илмий изланишлари натижалари бўйича республика ва хориж илмий нашрларида 5 та илмий мақола, битта услубий қўлланмаси чоп этилган.

**Ваисова Мохира Давлатбоевна**



1980 йил Хоразм вилоятида туғилган. Урганч давлат университетининг «Математик таҳлил» ихтисослиги бўйича аспиранти.

2003 йил Урганч давлат университетини имтиёзли тугатган.

«Тўғри чизиқлар дастасида берилган функцияларни аналитик давом қилдириш» мавзуси устида илмий ишлар олиб бормоқда.

Мавзу бўйича турли халқаро ва республика миқёсида ўтказилган анжуманларда фаол иштирок этган. Илмий изланишлари даврида республика ва хориж илмий нашрларида 2 та илмий мақола, 4 та тезиси чоп этилган.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

## «БУНЁДКОР» МДҲ КУБОГИДА ИШТИРОК ЭТАДИ



***Жорий йилнинг 16-24 январь кунлари Москвада футбол бўйича анъанавий XVIII МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирда бу сафар амалдаги чемпион — Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.***

Таъкидлаш лозимки, мазкур мусобақада Ўзбекистон чемпионлари доимий равишда иштирок этиб келишади. Эсингизда бўлса, "Пахтакор" жамоаси 2007 йили бош совринни қўлга киритган эди.

Турнирнинг навбатдагисига қуръа ташлаш маросимида жамоалар қуйидагича тақсимланди:

**"А" гуруҳи:** "Рубин" (Қозон, Россия), "Днепр" (Могилёв, Беларусь), "Дордой-Динамо" (Норин, Қирғизистон), "Металлург" (Лиепая, Латвия).

**"В" гуруҳи:** "Боку" (Боку, Озарбойжон), ХИК (Хельсинки, Финляндия), "Актобе" (Актюбинск, Қозоғистон), "Вахш" (Қўрғонтепа, Тожикистон).

**"С" гуруҳи:** "Динамо" (Киев, Украина), МТТУ (Ашхобод, Туркманистон), "Левадия" (Таллин, Эстония), Россия ёшлар терма жамоаси (U-21).

**"D" гуруҳи: "Бунёдкор" (Тошкент, Ўзбекистон),** "Пюник" (Ереван, Арманистон), "Экранас" (Паневежис, Литва), "Дачия" (Кишинёв, Молдова).

Мусобақада бу гал Финляндиянинг ХИК клуби ҳам иштирок этади. Шунингдек, унда Россия ёшлар терма жамоаси (1988-90 йилларда туғилган футболчилар) ҳам тўп суради. Бу жамоа баҳсларда танловдан ташқари қатнашади.

"Бунёдкор" илк учрашувини 16 январь куни "Динамо" манежида Молдова чемпионати кумуш медали соҳиби "Дачия" жамоасига қарши ўтказади.

## «ПАХТАКОР»ДА ЯНГИ МУРАББИЙ

***Мамлакатимизнинг етакчи футбол жамоаларидан ҳисобланган "Пахтакор" ушбу мавсумда кумуш медаль соҳиби бўлганлигидан яхши хабардорсиз.***

"Пахтакор"чилар 2010 йилда ўз олдиларига янада юксак мақсадларни қўйишган. Яқинда Черногория ёшлар терма жамоасини бошқарган тажрибали мутахассис Миодраг Радулович "Пахтакор" билан икки йил муддатга шартнома имзолади.

Черногориялик мураббий "Пахтакор"нинг катта имкониятларга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Ҳужумкор футбол доимо ишқибозларга манзур бўлиб келган, — дейди М. Радулович. — Менинг назаримда, "Пахтакор"нинг ҳужум чизиғида муаммолар борга ўхшайди. Умуман олганда, жамоанинг олдига қўйган юқори мақсадлари менга маъқул бўлди. Энди бор имкониятимни ишга солиб, жамоа ўйинини янада кучайтиришга ҳаракат қиламан.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 42 ёшли Миодраг Радулович ўз даврида собиқ Югославиянинг бир қатор жамоалари, шунингдек, Грецияда тўп сурган. Футболчилик фаолиятининг катта қисмини "Будучность" жамоаси сафида ўтказган.

У мураббийлик фаолиятини Сербия ва Черногория қуйи дивизионлари жамоаларида бошлаган. Португалиянинг "Боавишта" клуби бош мураббийи ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Бош мураббий сифатидаги энг катта ютуғи — 2007 йили Черногория ёшлар терма жамоаси билан Грецияда ўтган Европа чемпионатида бронза медалларини қўлга киритган.

Қолаверса, Радулович бугунги кунда Европа футболи юлдузларига айланган Милош Красич, Неманья Видич ҳамда Бранислав Иванович каби ўйинчиларни тарбиялаган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

***Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари тайёрлаш марказида каратэ бўйича анъанавий "Қорбобо кубоги" халқаро турнири бўлиб ўтди.***

## Соврин Самарқандда қолди

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан ва Қозоғистондан келган 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 400 дан ортиқ каратэчилар 147 та медаллар учун кураш олиб боришди.

Қизғин ўтган баҳсларда мезбонлар 21 та олтин, 20 та кумуш ва 11 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Қозоғистон спортчиларига, учинчи ўрин эса қашқадарёлик каратэчиларга насиб этди.

**А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёш футболчиларимиз халқаро турнирда

***Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида футбол бўйича ФИФАнинг собиқ биринчи вице-президенти Валентин Гранаткин хотирасига бағишланган халқаро турнир бошланди.***

Ушбу мусобақада 1992 йилда туғилган ўсмирлардан тузилган терма жамоамиз иштирок этмоқда. Вакилларимиз бош мураббий Марат Кабаев бошчилигида 2009 йилнинг 24-29 декабрь кунлари пойтахтимиздаги "Чиғатой" базасида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишди. Машғулотлар давомида иштирок этган 30 футболчидан 18 нафари асосий таркибга саралаб олинди.

Эслатиб ўтамиз, ҳамюртларимиз "А" гуруҳида Бельгия, Беларусь ва Россия терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун баҳс юритадилар. "В" гуруҳидан эса Туркия, Украина, Озарбойжон ва Финляндия терма жамоалари ўрин олган.

Халқаро турнир 17 январга қадар давом этади.

**У. ҲАКИМЖОНОВ.**


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш мақсадида**

**«SAMARQAND ELEKTR TARMOQLARI» OAJ**

**ТАКРОРАН КЎРИК-ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Танлов номи** — Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказишнинг асосий шартлари:** танлов очиқ турда ўтказилади. Унда юридик шахслар ёки хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу хусусий операторга юклатиладиган бурч ва мажбуриятларга мувофиқ, фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган шахслар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

**Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд**: Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри.

**Танлов ташкилотчиси** — «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ, жойлашган манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:**
- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.**

**Дастлабки малакавий саралашдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида турмаганлигини тасдиқловчи давлат рўйхатидан ўтказувчи орган маълумотномаси;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда бириктирилган банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;
- «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан бериладиган инвестор суд муҳокамаси ҳолатида ёки «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан арбитраж ажрим ҳолатларида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ҳудудий электр тармоқлари томонидан бериладиган, инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**
- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Samarqand elektr tarmoqlari» ОАЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000802611704162, «Кредит-Стандарт» ХОАТБ, Самарқанд шаҳри, МФО: 01023, СТИР: 200613520, ХХТУТ 11170.

**Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш лозим: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Телефон: (8-366) 231-11-42.**

Танлов ҳужжатлари тўпламини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари тўплами учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанба кунлари бундан мустасно) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

1402Н/1806


МАДАНИЯТ хабарлари

***Садриддин Айний номидаги Бухоро вилояти мусиқали драма театри жамоаси болажонларга ажойиб Янги йил совғаси ҳозирлади.***

## Болажонларга байрам совғаси

Режиссёр Б. Акобиров саҳналаштирган "Янги йил ҳангомалари" эртак-спектакли болажонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Эзгулик ва дўстлик ғоялари тараннум этилган ушбу саҳна асарини шу кунгача 5 мингдан зиёд ўғил-қиз томоша қилганлиги бунинг тасдиғидир.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Турон» ва «Жайҳун» ғолиб

***Нукусда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

"Камолот" ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг "Жайҳун", Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг "Турон", Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг "ТАТУ" ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг "Шок" жамоалари ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра, "Турон" ҳамда "Жайҳун" жамоалари ғолиб деб топилди. Уларга тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

## Замонавий кинокомедия

***Нукус шаҳрида "Қорақалпоқфильм" киностудияси ижодкорлари томонидан суратга олинган, комедия жанридаги "Курорт" бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Тадбирда таъкидланганидек, Б. Ниязметов режиссёрлигидаги ушбу фильм томошабинларда қизиқиш уйғотади. Шунингдек, у оддий қишлоқ кишилари ҳаёти, уларнинг турмуш тарзини акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир.

**Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (6 январь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қор ёғади. Кечаси ва кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда ва кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Кечаси 3-8, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-8, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 3-8, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 4-6, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25


Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси Турсун Қоратоевга укаси

**Очил ҚОРАТОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O`zbekiston" телерадиоканали ДУК Қорақалпоғистон ва вилоятлар мухбирлар тармоғининг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири Жўрақул Турсуновга волидаи муҳтарамаси

**САНАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.30 1 2 3 5